



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
BUXORO VILOYATI MAHALLA VA OILANI  
QO'LLAB-QUVVATLASH BOSHQARMASI**

200100, Buxoro sh., Hofiz Tanish Buxoriy ko'chasi, tel: (65) 223-11-54, faks: (65) 223-11-54

« 25 » « 11 » 2021 yil

№ 01-1059 son

**Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасига**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони 21а-илова 8-банди ижросини таъминлаш, «Маҳалла» ягона ахборот тизимини жорий қилиш юзасидан Бухоро вилоятида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жумладан, вилоятдги **544** та маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларида юқори тезликдаги маълумотларни узатиш учун **GPON** технологияси асосида оптик толали интернет тармоқлари ўтказилиб, якуний қурилмалар ўрнатилди.

Шу билан бирга маҳаллаларнинг интернет хизматидан фойдаланишлари учун тегишли шартномалар расмийлаштирилди. Ҳозирги кунга қадар вилоятдаги 296 та маҳалла фуқаролар йиғинлари интернет тармоғидан узлуксиз фойдаланиб келмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника билан таъминотини яхшилаш, иш самарадорлигини яхшилаш мақсадида **46** та маҳалла фуқаролар йиғинлари замонавий моноблок компьютер техникалари билан таъминланди.

«Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегияси доирасида **2020-2022 йиллар давомида Бухоро вилоятини рақамли трансформация қилиш дастури»** тасдиқланган бўлиб, мазкур дастурнинг 21-бандида, 1-босқичда “Маҳалла” ягона ахборот тизимини ҳудудда жорий этиш мақсадида Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш шаҳар ва туман бўлимларидан жами **13 нафар** масъул этиб белгиланиб, уларга тегишли логин ҳамда махфий калитлар яратиб берилди.


Фуқаролар йиғинлари ходимларининг тизимдан фойдаланиш тартиб қоидалари бўйича Бухоро шаҳрида икки мартаба амалий семинарлар ташкил қилиниб, **65 нафар** маҳалла раиси ўринбосарларининг саводхонлиги оширилди.

Ҳозирги кунда синов тарзда Бухоро шаҳридаги **65** та маҳалла фуқаролар йиғинларида масъул этиб белгиланган ходимлар томонидан “**baza.rmk.uz**” электрон манзили орқали маҳаллага оид дастлабки маълумотларни киритиш ишлари олиб борилмоқда.

Туманлар ва шаҳарларда мазкур тизимни босқичма-босқич сифатли жорий қилиш мақсадида тегишли логин ҳамда махфий калитлар маҳалла масъулларига тақдим этилди.

Ҳозирги кунда тизимни ишлатиш, маълумотлар киритиш бўйича хато ва камчиликларни бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда.

**Вилоят ҳокимининг  
ўринбосари**

  
**Й.Жумаев**

Ижрочи: С.Фатуллаев  
Тел:65-224-24-85